



МИНТАҚА РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Бабабекова Наргиза Бахтияровна -
Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент
аҳборот технологиялари университети,
катта ўқитувчи

https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss1/a50

Аннотация. Мақолада минтақа, раҷобат ва раҷобатбардошлиқ тушунчаларининг мазмуни ва моҳияти ёритилган. Илмий адабиётлар таҳлили амалга оширилган. Минтақа иқтисодий раҷобатбардошлиги модели шакллантирилган ҳамда хуласалар берилган.

Калим сўзлар: минтақа, раҷобат, раҷобатдардошлиқ, минтақавий иқтисодиёт, минтақа раҷобатдардошлиги.

ПУТИ ПОВЫШЕНИЯ РЕГИОНАЛЬНОЙ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ

Бабабекова Наргиза Бахтияровна -
старший преподаватель, Ташкентский университет
информационных технологий имени Мухаммада ал-Хорезми

Аннотация. В статье раскрывается содержание и сущность понятий региона, конкуренции и конкурентоспособности. Проведен анализ научной литературы. Сформирована модель экономической конкурентоспособности региона и даны выводы.

Ключевые слова: регион, конкуренция, конкурентоспособность, региональная экономика, региональная конкурентоспособность.

WAYS TO INCREASE REGIONAL COMPETITIVENESS

Bababekova Nargiza Bakhtiyorovna -
Senior lecturer, Tashkent University of Information
Technologies named after Muhammad al-Khorezmi

Annotation. The article reveals the content and essence of the concepts of the region, competition and competitiveness. The analysis of scientific literature was carried out. A model of economic competitiveness of the region is formed and conclusions are given.

Key words: region, competition, competitiveness, regional economy, regional competitiveness.

Кириш. Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти глобаллашаётган ҳамда рақамлашаётган иқтисодиётдир, у ягона, тузилишига кўра ниҳоятда мураккаб ва ниҳоятда юқори даражадаги раҷобатчилиги билан ажралиб турадиган мікродаражадаги тизимни тақозо этади. Ушбу тизимнинг юзага келиши ва хусусиятлари бозор раҷобатчилигига ва унинг мезоиқтисодий жиҳатига тобора кўпроқ таъсир кўрсатмоқда, раҷобатбардошлиқ тўғрисидаги тасаввурларнинг ривожланиши ва диверсификациясига ёрдам бермоқда. Миллий иқтисодиётни модернизация қилишдан кўзланган энг муҳим мақсадлардан бири бу унинг раҷобатбардошлигини ошириш ва минтақавий ривожланишнинг барқарорлигини тъминлаш омилларини аниқлашдан иборат. Минтақаларнинг мавжуд табиий-иктисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишни кўзда тутадиган таркибий ўзгаришлар худудий ишлаб чиқариш тизимларининг мезодаражаги раҷобатбардошлигини оширишда иқтисодий омилларни олдингич ўринларга қўяди ҳамда таъсирчан минтақавий экологик сиёсатни шакллантиришни тақозо этади.

Минтақа раҷобатбардошлигини ошириш замонавий иқтисодиётнинг фундаментал категорияларидан бири ҳисобланади. Бу ҳолнинг тан олингандиги, англаб етилганлиги ва илмий шарҳлашга бўлган интилиш минтақашунослик ўйналишининг иқтисодий фанлар тизими доирасида мустақил ажралиб чиқишига сабаб бўлди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Минтақавий иқтисодиёт назарияси мураккаб, кўп жиҳатли бўлиб, турли сабаблар таъсирида ўзгариб туради. Ҳозирги пайтда мавжуд бўлган назарий ёндашувлар ва моделларни таҳлил қилган ҳолда минтақавий тузилмаларнинг ўзаро боғлиқлиги, ўзаро алоқаларнинг иқтисодий шарт-шароитлари ва шакллари, шу жумладан, бозор шароитларига хос бўлган раҷобатбардошлиқ ҳодисаларига эътибор қаратамиз.

Р. Шниппер “Иқтисодий илмий билимлар тизимида минтақа тушунчасига тавсиф берилганда, минтақа бу барқарорлашган, ўзининг макроиқтисодий функцияларига (глобал иқтисодий раҷобат вазиятида) мос келадиган ишлаб чиқариш муносабатлари тизими бўлиб, бу ти-

зим фазовий локализацияланиш омили восита-сида детерминацияланадиган табиий-экологик, ижтимоий-иктисодий, этник-маданий, институционал ва бошқа ўзига хос шарт-шароитларда юзага келади", деб таъриф беради[1].

Минтақа рақобатбардошлигіда ҳудудий омилнинг роли нафақат мұхым, балки универсал ҳамдир. Шу муносабат билан, М.Портернинг нүктаи назари ғоят мұхым бўлиб, унинг қатъий таъкидлашича, минтақанинг географик ўрни рақобатчилик учун фундаментал аҳамият касб этади, "...жаҳон иқтисодиёти шароитида рақобатдаги барқарор устунликлар кўп ҳолларда ва кўпроқ даражада маҳаллий кўринишга эга бўлиб, юқори даражада ихтисослашган касбий малакалар ва билимлар, институтлар, рақиблар, ўзаро боғланган иқтисодий фаолият турлари, шунингдек, муайян мамлакат ёки минтақадаги кўпни кўрган ва тажрибали истеъмолчиларнинг бир ерда тўпланишидан юзага келади"[4].

Минтақа рақобатбардошлигининг назарий ва амалий таҳлилига бағишиланган сўнгги адабиётларга мурожаат этар эканмиз, уларда минтақалараро қиёсларга рақобатбардошликтини бутун минтақавий иқтисодиёт учун анча мұхим бўлган қандайдир ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлар бўйича идентификациялашга бўлган интилиш кўзга ташланаётганининг гувоҳи бўлмаз.

Масалан, Ж.Вальтернинг фикрига кўра, рақобатбардошликка тавсиф берганда, секторал тузилма (хизматларнинг аҳамиятини саноатга қараганда кўтариш), инновациялар, ҳудуднинг қарор қабул қилишда иштироки, юқори технологик ишлаб чиқариш ва юқори малакали ишчи кучининг концентрацияси (ишчи кучининг яшаш ва фаолият кўрсатиш мұхити ва хизматларга нисбатан ўзига хос талаб бўлган ҳолда), аҳоли даромадлари ва бандлик даражаси каби параметрлар билан иш кўриш лозим бўлади[2].

П.Кресл ва Б.Сингх рақобатбардошликтининг саноат ва чакана савдода ялпи қўшимча қиймат ҳамда бизнес-хизматларнинг ялпи қиймати каби жиҳатларига эътибор қаратадилар[3]

М.Портер ҳам минтақа рақобатдардошлигини баҳолашда ҳудди шунга ўхшаш ёндашувдан келиб чиқади. Бу масала унда мамлакат рақобатбардошлиги концепциясининг ўзига хос проекциясини ташкил этади Унга кўра, минтақа рақобатдардошлилиги – бу минтақавий ресурслардан, биринчи навбатда, ишчи кучи ва капиталдан фойдаланишининг бошқа минтақаларга нисбатан унумдорлиги (маҳсулдорлиги)дир. Унумдорлик эса ялпи ҳудудий маҳсулот (ЯҲМ) нинг аҳоли жон бошига миқдори билан, шунингдек унинг динамикасида белгиланади[4].

М.Портернинг рақобатбардошлик масаласига нисбатан қарашлари яна шуниси билан

эътиборлики, муаллиф уларда мезо ва микродражадаги рақобатбардошлик ўртасида ҳудуднинг геоиктисодий жойлашганлиги ва минтақавий иқтисодиётга интеграция қилинган корпорациялар, корхоналар, фирмаларнинг бозордаги ўрни ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини англаб етган. Ушбу тадқиқотчининг фикрига кўра, фирмалар учун рақобатчилик усутунликларини яратишда минтақанинг роли мұхим бўлибгина қолмай, балки у "минтақавий ромб" ҳосил қиладиган тўртта ўзаро боғланган йўналишлар бўйича тадқиқ этилиши лозим[5].

Тадқиқот методологияси. Тадқиқот жараёнида илмий абстракция усули, объективлик тамойили, кузатиш, тақдослаш, қиёсий таҳлил усулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Жаҳон ҳўжалик тизимининг фаолият кўрсатиш хусусиятлари, бу тизимнинг трансформацияси, глобаллашув ҳамда рақамлаштиришнинг изчил ривожланиши жараёнида кескинлашиб бораётган қарама-қаршиликлари кўплаб назарий моделлар ва концепцияларда ўз аксини топган. Бу манбаларда жаҳон иқтисодиётida миллий иқтисодий тизимларнинг рақобатбардошлиги ва умумий ҳолати ҳам асослаб берилган.

Минтақа макроиктисодий тизимнинг ҳудудий таркибий қисми сифатида, унга хос бўлган тақрор ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлсада, ресурс-ҳудудий, ишлаб чиқариш-технологик, иқтисодий-тақрор ишлаб чиқариш, институционал ва бозор-маркетинг жиҳатлари бўйича ҳам бир бутунликни ҳосил қилади. Бундай яхлитлик бир томондан ҳўжалик юритувчи субъектларнинг минтақавий иқтисодий фазо "ичида"ги ўзаро муносабатларини ҳудудий-маҳаллийлашган шарт-шароитлар ва ижтимоий ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш келтириб чиқарса, иккинчи томондан тегишли миллий ҳўжалик комплекслари доирасида ҳам, бир бутун глобал иқтисодиёт доирасида ҳам кўп жиҳатли минтақалараро муносабатларни келтириб чиқаради. Буларнинг ҳаммаси ҳудудий рақобатчилик жараёнини пайдо қилади, минтақаларнинг рақобатчилик мұхитидаги ривожланиш имкониятларини ва уларнинг рақобатбардошлилик даражасини белгилайди.

Минтақавий иқтисодиётнинг рақобатбардошлиги категориясининг мазмунини шархлашда асосий ва энг мұхим белгилардан бири бу - жаҳон ҳўжалигига интеграциялашаётган мезо-иктисодиёт ўртасида сон ва сифатда ифодалangan фарқларнинг мавжудлиги ҳамда "марказ - ҳудуд" тизимидағи тақрор ишлаб чиқаришdir.

Географик, маданий ва ташкилий жиҳатдан яқинлик ахборотдан махсус фойдаланиш имконияти, алоҳида муносабатлар, ахборотга тўлиқ эга бўлиш, самарали рағбатлантирувчи

омилларнинг юзага келиши, кўплаб афзалликларни таъминлаб беради. Бунда муайян худудга аниқ “боғланган” ҳаёт сифати” деб аталувчи синтетик тушунча рақобатбардошликтининг энг муҳим жиҳати бўлиб қуидагиларни ичига олади: бандлик кўламлари ва характеристи ҳамда меҳнат шароити; таълим ва саводхонлик даражаси; уй-жой билан таъминланганлик ва унинг қулайлиги; ижтимоий таъминот тизими; экологик яшаш шароитлари ва ҳ.к.

Буларнинг ҳаммаси эса худудий жиҳатдан турғун жойлашган бозор салоҳиятини, инновацион ва инвестицион иқлимини, ўз ихтиёридаги барқарор иқтисодий тақрор ишлаб чиқариш муносабатини, истеъмол стандартлари, технологиялар, товарлар, хизматлар ва капиталларни бошқа миңтақаларга кўчириш имкониятларини аввалдан белгилаб беради. Иқтисодиётни миңтақавий бошқаришнинг асосини миңтақавий тақрор ишлаб чиқариш жараёни ташкил этади, у, бир томондан, ижтимоий тақрор ишлаб чиқаришнинг тармоқ тизимлари сифатида белгиланса, бошқа томондан, алоҳида тақрор ишлаб чиқариш жараёнларининг корхона даражасидаги интеграцияси сифатида белгиланади, бу эса, ўз навбатида, миңтақа иқтисодиётининг комплекс ривожланиши учун шарт-шароитларни шакллантиради.

Мезоиқтисодиётнинг муайян худудга “боғланган”лиги мамлакатлар масштабида ҳам, геоиқтисодий масштабда ҳам унинг етакчи функциялари ўртасидаги ўзаро муносабатларни сақлаб қолади. Миңтақанинг функционал йўналганлиги, бир томондан, умумий ижтимоий-иқтисодий потенциалини белгилаб берса, иккинчи томондан, у ёки бу функция доирасида рақобатбардошлик устунликларини реализация қилиш учун шарт-шароитларни шакллантиради. Функционал типологиянинг классик моделди у ёки бу миңтақа ҳар хил турларга мансуб бўлади, масалан, аграр, аграр-индустрисал, индустрисал, рекреацион ва б. Бундай соддалаштирилган тасниф миңтақавий иқтисодиётнинг айрим етакчи функцияларини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Бу тасниф асосини аввалимбор функционал-соҳавий ёндашув ташкил қилиши мумкин. Бунда иқтисодий фаoliyatnинг нафақат устунлик қиливчи йўналишлари, балки миңтақа учун ихтисослашган йўналишлари ҳам миңтақа таснифининг асоси бўлади.

Бу ҳолда ҳудуднинг (миңтақа, шаҳар ва ҳ.к.) рақобатбардошлиги миңтақавий шарт-шароитлар ва ижтимоий ишлаб чиқариш омилларининг (шу жумладан, худудий-маҳаллий омилнинг, яъни глобал иқтисодиётга миңтақа эгаллаган жой) йигиндинини бошқа мезоиқтисодиётлар билан солиширганда, улардан сама-

рали фойдаланишни ҳам ўз ичига сиғдирадиган синтетик ҳодиса сифатида намоён бўлади. Бунда ушбу омиллардан фойдаланиш деганда, факат хусусий ва корпоратив мақсадларда эмас, балки кўпроқ бутун худудий умумий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш кўзда тутилади.

Бу билан боғлиқ ҳолда миңтақавий иқтисодиёт рақобатбардошлигини тадқиқ этишда тегишли кўрсаткичлар (индикаторлар)нинг бир бутун йигиндиси билан иш кўришга тўғри келади.

Рақобатбардошликтининг ривожланиши куйидаги тўртта босқичда амалга оширилади:

- ишлаб чиқариш омиллари асосидаги рақобатчилик;
- инвестициялар асосидаги рақобатчилик;
- “ноу-хау”лар асосидаги рақобатчилик;
- бойлик асосидаги рақобатчилик.


Дастлабки учта босқич иқтисодий ўсишни таъминлайди, охиргиси турғунлик ва инқирозни келтириб чиқаради. Ўз навбатида детерминантларнинг ҳар биттаси ўзларининг таркибий қисмлари, миңтақанинг рақобатдаги устунлигига таъсир кўрсатиш даражаси, шунингдек уларнинг ривожланиш заруратига кўра таҳлил этилади (1-расм).

Миңтақа иқтисодий рақобатбардошлиги тўртта ўзаро боғлиқ бўлган омиллар, детерминантлар орқали тадқиқ этилди. Иқтисодий тизимда ҳолат ва шарт-шароитлар, маълум дараҷада, малакали кадрлар, илмий билимлар ва технология, экологик ахборотлар, бозор инфраструктуиласи, инвестицион иқлим ҳисобига шаклланади.

Иккинчи детерминант – иқтисодий (ички ва ташқи) талаб ҳисобланади. Бозорда муваффақиятли рақобат курашига киришиш учун етарли бўлган инвестициялаш ва инновацияларни жорий қилиш борасида дастлабки рағбатни таъмин этувчи детерминант –иқтисодий талбининг мавжудлиги ҳисобланади.

Худуд рақобатбардошлигини белгилаб берувчи учинчи детерминант сифатида ядро ёки бир-бирини қўллаб-қувватловчи тармоқларнинг мавжудлиги майдонга чиқади. Рақобатбардошлик миңтақадаги ишлаб чиқариш субъектлари кооперацияси, вертикал ва горизонтал интеграциялашган тармоқларга (кластерлар) тўғридан-тўғри боғлиқ (2-расм).

Миңтақани иқтисодий ривожлантириш стратегияси тўртинчи детерминант ҳисобланади. Ташкил қилиш ва самарали бошқарув тизими ижтимоий-иқтисодий тизимларнинг иқтисодий рақобатбардошлигини оширишда ҳал қилювчи рол ўйнайди.




1-расм. Минтақа иқтисодий рақобатбардошлигининг устунликлари модели

Манба: Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Демак, миңтақавий иқтисодиёттинг рақо-
батбардошлигини баҳолашдаги интеграцион
ёндашувлар унинг турли жиҳатларини алоҳида
функционал тармоқ кесимида, корпорациялар,
фирмалар бўйича баҳолаш билан бирга олиб бо-
рилиши лозим. Модомики, миңтақанинг рақо-
батбардошлиги шу миңтақада жойлашган фир-
маларнинг рақобатбардошлигига боғлиқ экан,
унинг таъминланиши зарур маҳаллий шарт-

шароитларнинг тақдим этилишига, ушбу худудда фаолият кўрсатаётган микроқўтисодий субъектлар рақобатбардошлигининг кўллаб-куватланишига боғлиқ. Бироқ, ушбу фирмаларни миңтақага жалб қилиш ва кейинчалик уларни худудда фаолият кўрсатиш учун фирмаларга уларнинг рақобатбардошлик муҳитини яратиб яратиб бериш зарур.



2-расм. Минтақа иқтисодий тизимида рақобатнинг ўзаро боғлиқлик алокалари концептуал модели

Манба: Муаллиф томонидан шакллантирилган.

Рақобатбардошлиқ тушунчаси мінтақа-
вий іктисодиёт соҳасига құлланилғанда ікти-
содий алоқаларни интеграл ва хусусий күри-
нишларининг диалектик бирлиги, геоіктисо-
дий рақобатчилик мұхитининг мавжудлиги,
муайян мезоіктисодиёттің жағон хұжалик жа-
раёнларига интеграллашув даражасини ўзида
акс эттиради. Рақобатбардошлиқ, яғни турли-
туман манфаат ва қарама-қаршиликтер билан
“түйинган” бозор мұхитидә бошқа субъектлар
билан амалда рақобатлашиш имкониятini ўзи-
да намоён этади.

Бизнингча, баъзи бир ҳолларда мінтақа-
лар рақобатбардошлиғи мамлакат рақобатбар-
дошлиғи билан бирга қаралади. Улар қуйидаги
йўналишларда ўз аксини топади:

мамлакат рақобатбардошлиғи шундай да-
ражаки, унда мамлакат эркин ва адолатли бозор
шарт-шароитлари доирасида ҳалқаро бозор
талабларига жавоб берә оладиган товарлар ва
хизматлар ишлаб чиқаришга ва бир пайтнинг
ўзида ўз фуқароларининг реал даромадларини
ошибиб боришга қодир бўлади;

қачонки мамлакат аҳолиси етарли дара-
жада юқори ва тобора ўсиб бораётган яшаш да-
ражасига ҳамда барқарор бандлик даражасига
эга бўлса, унинг іктисодиёти рақобатбардош
бўлади;

рақобатбардошлиқ, бир пайтнинг ўзида
мінтақа аҳолиси даромадларини барқарор юқо-
ри даражасини таъминлаган ҳолда, жағон бозо-
ри талабларига мос келадиган товарлар ва хиз-
матларни ишлаб чиқаришга имкон яратади;

рақобатбардошлиқ мамлакат аҳолиси-
нинг яшаш даражасини барқарор ўсиши ва маж-
бурий ишсизликни иложи борича паст даражаси-
ни таъминлайди.

Хулоса ва таклифлар. Мінтақа рақобат-
бардошлиги ниҳоятда кенг тушунча бўлиб, уни
таснифлаш ва баҳолашда кўплаб турли ёнда-
шувларни кўриш мумкин. Авваламбор рақобат-
бардошлиқни намоён бўлиш соҳаси бўйича баҳо
берилади, одатда булар мінтақавий іктисодиёт-
тинг у ёки бу таркибий қисмлари – ишлаб
чиқариш, уларнинг кластерларининг мінтақа-
лараро бозорлардаги жойлашувидир. Фикри-
мизча, интегратив (комплекс ва умумий) рақо-
батбардошлиқни келтириб чиқарадиган шарт-
шароит бу мінтақанинг алоҳида тадбиркорлик
тузилмалари, корпорациялари, іктиносий маж-
муанинг барча сектор ва сегментлари ички бо-
зорда ҳам, ташқи бозорларда муваффақиятга
эришишидир, яғни рақобатбардошлиқ жиҳат-
ларининг ўзини қандай намоён қилишидир.

Іктиносий омиллар асосида мінтақа ик-
тисодиёти рақобатбардошлигини оширишнинг
қуйидаги устувор йўналишларна амалга оши-
риш таклиф этилади:

мінтақа рақобатбардошлиғи салоҳиятини
юксалишига тўғридан-тўғри инвестицияларни
жалб қилинишини рағбатлантириш;

мінтақада инсон капиталини ривожлан-
тиришга инвестицияларни кучайтириш;

саноат ишлаб чиқариш корхоналарини
модернизациялаш, инновациян ва рақамли тех-
нологиялар билан қайта жиҳозлаш;

мінтақада рақобатбардошлиқ устунлик-
лари “ўсиш нұқталари” асосида кичик бизнес ва
хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ин-
теграция ва коопeração алоқаларини кенгайти-
риш;

миллий товарлар ва ҳалқ ҳунармандчили-
ги буюмларини ишлаб чиқаришни кенгайти-
риш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Шнеппер Р. Регион: диагностика и прогнозирование. Новосибирск: 1996. - с.16.
2. Walter G. Competitiveness: a General Approach// RECEP's Reports. 2004.
3. Kresl P.K, Singh B. Competitiveness and the Urban Economy. 1999. Vol. 36.
4. Портер М. Международная конкуренция. – Москва: Международные отношения, 2005. 859с.
5. Портер М. Конкурентная стратегия: методика анализа отраслей и конкурентов. М.: Альпина Бизнес Букс, 2005. - с. 375.